O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
QARORI

20 21 yil “ 27 ” mart 343 -son Toshkent sh.

Янгиҳаёт туманидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар фонди тоифасини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1998 йил, 5-6-сонлар, 82-модда) 5 ва 9-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 11 сентябрдаги “Тошкент вилояти Зангиота, Қуйичирчиқ, Янгийўл ва Ўртачирчиқ туманларининг, Тошкент шаҳри Сергели ва Бектемир туманларининг, шунингдек Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш тўғрисида”ги СҚ-135-IV-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Тошкент шаҳри такибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 12.11.2020 й.) ПҚ–4888-сон, Янгиҳаёт тумани ҳокимининг 2021 йил 9 февралдаги 01/40-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича мажмуасининг мурожаатларини инобатга олиб, Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани ҳудудидаги ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш максадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани маъмурий ҳудудидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган майдони 1212,6 гектар ерлари тоифаси иловадаги чегара чизмаларига мувофик аҳоли пунктларининг ерлари тоифасига ўтказилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Б.Рахмонов), Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошкармаси (Б.Ташходжаев), Қурилиш бош бошқармаси (Ж.Арашов), “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК (Б.Адилходжаев) ва Янгиҳаёт тумани ҳокими (Х.Иногамов) билан биргаликда бир ой муддатда:

аҳоли пунктлари ерлари тоифасига ўтказилган ҳудудларни шаҳарсозлик қоидаларига риоя этган ҳолда бош режасини ишлаб чиқиш ва шаҳар инфратузилмасини жорий этиш;

ушбу қарордан келиб чиқиб ер ҳисоботларига ва тегишли ҳужжатларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш чоралари кўрилсин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати:

мазкур қарор расмий эълон қилиниши, www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.Артикходжаев**

Янгиҳаёт тумани ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1212,6 га ер майдони

Тошкент шаҳар ҳокиминин
2021 йил "27" мартдаги
343-сонли қарорига
ИЛОВА